

COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗ ПЎСТЛОҚ ҚАВАТИ УСТУНЛИ МАЙДОНИ ИНТЕРСТИЦИАЛ ТЎҚИМАСИ ВА ҚОН ТОМИРЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Исраилов Ражаббой Исраилович

Тошкент тиббиёт академияси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Нажмиддинова Нилуфар Нуралиевна

Тошкент тиббиёт академияси таянч докторанти

Аннотация

COVID-19 инфекциясида буйрак усти безининг пўстлоқ қавати устунли майдони интерстициал тўқимаси ва қон томирларида кучли дисциркуляция, шиш, қон қуйилишлар ва яллиғланиш инфилтрати ривожланиши кузатилади. Қон томирлар жойлашган гистотопографик соҳа, яъни интерстициал тўқима кучли шишга, гидратацияга учраганлиги, айниқса субкапсуляр соҳа, каптокчали ва устунли майдонлар оралиқ тўқимасида шиш жараёни учоқли ривожланганлиги аниқланади.

Калит сўзлар: COVID-19, буйрак усти бези, пўстлоқ қавати, устунли майдон, фибриноид некроз, тромбоз, инфаркт.

Буйрак усти без пўстлоқ қавати устунли соҳаси безнинг учдан икки қисмини эгаллаган бўлиб, узун устунлар пайдо қиладиган йирик адренокортикоцитлардан ташкил топган. Улар асосан кортизол ва кортизон каби глюкокортикоид гормонларни синтезлаб, иммунитетга таъсир кўрсатади, бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кўпайишини секинлаштиради, яллиғланиш, аллергия жараёнларининг тезлигини пасайтиради. Хозирги кунда буйрак усти пўстлоқ қавати томонидан синтезланадиган 50-дан зиёд стероидли бирикмалар аниқланган. Улар икки гуруҳга бўлинади: глюкокортикоидлар ва минералокортикоидлар, биринчиси асосан углеводлар алмашинувига таъсир кўрсатса, иккинчиси минераллар алмашинувини бошқаради.

Аниқланишича, COVID-19 инфекциясида дастлаб буйрак усти без қон томирлари ва ундан кейин паренхиматоз хужайралари шикастланиши мумкин. Без тўқимасида томирлар девори фибриноид некрози, тромбоз ва



инфарктлар ривожланиши буйрак усти без паренхимасининг қайтмас даражада шикастланиши билан давом этганлигидан гормонлар синтези бузилиб, ички аъзоларда моддалар алмашинуви издан чиқади. Шунинг учун, COVID-19 касаллигида буйрак усти безининг шикастланишини, жумладан пўстлоқ қават устунли соҳасида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, COVID-19 инфекциясидан ўлган касаллар буйрак усти бези пўстлоқ қаватининг морфофункционал майдонлари морфологик жиҳатдан турли-туман ўзгаришларга учраганлиги, жумладан қон томирлари кенгайиб, тўлақонлик ривожланиб, айрим жойларига периваскуляр қон қуйилишлар ривожланганлиги кузатилади. Қон томирлар жойлашган гистотопографик соҳа, яъни интерстициал тўқима кучли шишга, гидратацияга учраганлиги, айниқса субкапсуляр соҳа, каптокчали ва устунли майдонлар оралиқ тўқимасида шиш жараёни учоқли ривожланганлиги аниқланади.

COVID-19 касаллигида SARS-CoV-2 вируси таъсирида дастлаб ташқи парда таркибидаги артерия ва артериолаларнинг фибриноид бўкишга, айримлари тромбозга учраши, натижада без паренхимасига кириб борадиган қон томирларда ўткир дисциркуляция ривожланиши, оралиқ тўқиманинг шикастланиши оқибатида нордон гликозамингликанлар тўпланиб, тўқиманинг гидратацияга ва шишга учраши кузатилди.

Ушбу майдон оралиқ тўқимасидаги қон томирлар айрим жойларида кескин кенгайган, тўлақонли кўринишдалиги топилди. Буйрак усти безнинг қон томирлар девори ва интерстициал тўқимаси таркибидаги бириктирувчи тўқима толали тузилмаларини пикрофуксин билан бўяб кўрилганда, ташқи пардаси таркибидаги бириктирувчи тўқима толалари ва қон томирлари каптокчали майдондан ўтиб, устунли майдон орасига кириб бориб тарқалганлиги ва энг ички майдон турли майдонгача кириб борганлиги аниқланади. Буйрак усти без пўстлоқ қавати устунли майдонини микроскопнинг катта объективида ўрганилганда маълум бўлдики, интерстициал тўқима қон томирлари кескин кенгайганлиги, тўлақонли ҳолатдалиги, айримларининг атрофига периваскуляр қон қуйилганлиги кузатилди. Интерстициал бириктирувчи тўқиманинг айрим соҳаларида, қон томирлар атрофида лимфоид ҳужайралар алоҳида тўплам пайдо қилиб жойлашганлиги аниқланди.



COVID-19 инфекцияси таъсирида буйрак усти бези ташқи пардасидаги артерия ва артериолаларда бошланган дисциркуляция жараёни без тўқимаси ичига кириб тарқаб борган сари устунли майдон оралиқ тўқимасидаги капиллярлар кенгайиб, қон билан тўлиб, унинг тўрли қават чегарасида қон томирларнинг ёрилиши, массив ҳолда оралиқ тўқима ва без паренхимасига қон қуйилганлиги аниқланади. Қуйилган қон оралиқ тўқимани тўлиқ эгаллаб, паренхиматоз ҳужайраларнинг титилишига, бетартиб жойланишига, айрим ҳужайраларнинг деструкцияланиб, некрозланишига олиб келганлиги кузатилади. Қолган паренхиматоз ҳужайралар алоҳида тўпламлар пайдо қилиб жойлашганлиги ва уларнинг орасида қайта регенерацияга учраган ҳужайралар пайдо бўлганлиги аниқланади.

Буйрак усти без устунли майдонига қуйилган қон таначалари парчаланиб, макрофаглар ва бошқа бириктирувчи тўқима ҳужайраларига емиш бўлиб, гемоглобиноген пигментларга айланганлиги, натижада интерстициал тўқимада бириктирувчи тўқиманинг гистиоцитар ҳужайралари ва макрофаглар кўпайиб, инфилтрат пайдо қилганлиги аниқланади. Без устунли майдони паренхиматоз ҳужайралари устунли жойланишини йўқотиб, бетартиб жойлашганлиги, ҳужайраларнинг аксарияти некрозга ва некробиозга учраганлиги ва микроинфарктлар кўринишидаги некроз ўчоқларини пайдо қилганлиги кузатилди. Паренхиматоз ҳужайралар орасида қайта регенерацияланиб, тикланаётган ҳужайралар мавжудлиги аниқланади. Ушбу ҳужайралар нисбатан кичик ўлчамли, цитоплазмаси энсиз ва эозинофилли, ядроси думалоқ ва нисбатан йирикroқлиги кузатилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, COVID-19 инфекциясида буйрак усти без пўстлоқ қавати устунли майдони интерстициал тўқимаси ва қон томирларида кучли дисциркуляция, шиш, қон қуйилишлар ва яллиғланиш инфилтрати ривожланиши кузатилади.

Адабиётлар

1. Гриневич В. Б. и др. Особенности ведения коморбидных пациентов в период пандемии новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Национальный Консенсус 2020. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2020;19(4):2630. doi:10.15829/1728-8800-2020-2630



E- Global Congress

Hosted online from Dubai, U. A. E., E - Conference.

Date: 30th December 2023

Website: <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

ISSN (E): 2836-3612

2. Должанская Н.А., Бузина Т.С., Клименко Т.В. ВИЧ-инфекция, вирусные гепатиты, COVID-19 и проблемы их профилактики в наркологии. аспекты соматической коморбидности в наркологии. № 5. С.5-20. 2020
3. Шлемская В.В., Хатеев А.В., Просин В.И., Суранова Т.Г. Новая коронавирусная инфекция COVID-19: краткая характеристика и меры по противодействию ее распространению в Российской Федерации // Медицина катастроф. 2020. №1. С. 57–61.
4. Withel S. F., Azziz R. Nonclassic Congenital Adrenal Hyperplasia // Int J Pediatr Endocrinol. 2010; 2010: 625105. Published online 2010 Jun 30.
5. Merke D. P., Poppas D. P. Management of adolescents with congenital adrenal hyperplasia // Lancet Diabetes Endocrinol. 2013, 1 (4): 341–352.
6. Ferrario CM, Jessup J, Chappell MC, et al. Effect of angiotensin-converting enzyme inhibition and angiotensin II receptor blockers on cardiac angiotensin-converting enzyme 2. Circulation. 2005;111(20):2605-10. doi:10.1161/CIRCULATIONAHA.104.510461.
7. Hoffmann M, Kleine-Weber H, Krüger N, et al. The novel coronavirus 2019 (2019-nCoV) uses the SARS-coronavirus receptor ACE2 and the cellular protease TMPRSS2 for entry into target cells. BioRxiv. 2020. 2020.01.31.929042. doi:10.1101/2020.01.31.929042.